

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.28.09.2018.Ped.76.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАСАНОВА ГУЛСАНАМ ХУСАНОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОН ВА ЯПОНИЯ УМУМТАЪЛИМ ВА**  
**ПРОФЕССИОНАЛТАЪЛИМ ТИЗИМЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ**  
**ТАҲЛИЛИ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2019**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
авторефератининг мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of  
philosophy(PhD) on pedagogical sciences**

**Хасанова Гулсанам Хусановна**

Ўзбекистон ва Япония умумтаълим ва профессионал таълим тизимларининг  
қиёсий таҳлили.....3

**Хасанова Гулсанам Хусановна**

Сравнительный анализ систем общего образовательного и профессионального  
образования Узбекистана и Японии.....23

**Khasanova Gulsanam Khusanovna**

Comparative analysis of general and vocational education systems of Uzbekistan  
and Japan.....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of publications.....47

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.28.09.2018.Ped.76.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАСАНОВА ГУЛСАНАМ ХУСАНОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОН ВА ЯПОНИЯ УМУМТАЪЛИМ ВА**  
**ПРОФЕССИОНАЛТАЪЛИМ ТИЗИМЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ**  
**ТАҲЛИЛИ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Ped414 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.namdu.uz](http://www.namdu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Азимова Зиёда Эргашевна**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Расмий оponentлар:**

**Алеуов Усербай**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Чжен Елена Витальевна**  
педагогика фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.28.09.2018.Ped.76.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси 316-уй. Тел.: (99869) 227-06-12; факс: (99869) 227-07-61; e-mail: [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz))

Диссертация билан Наманган давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (99869) 227-29-81.)

Диссертация автореферати 2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Т.Файзуллаев**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

**Ҳ.Ё.Нажмиддинова**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгашнинг илмий котиби, п.ф.н., доцент

**Т.А.Эгамбердиева**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, п.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда глобаллашув жараёнлари чуқурлашаётган шароитда илм-фан, техника ва маданият тараққиётининг муҳим омили сифатида таълим тизимларига бўлган талабни кенгайтириш, унинг мазмуни, шакл ва ўқитиш услубларини такомиллаштиришга бўлган эҳтиёж янада кучаймоқда. 2030 йилгача мўлжалланган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти «Барқарор Тараққиёт Дастури»нинг инклюзив, адолатли ва сифатли таълимни таъминлаш ва ҳаёт давомида таълим олишни рағбатлантириш<sup>1</sup>га қаратилган мақсадлари жаҳон тажрибасини ўрганиш асосида таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда ҳамкорликка асосланган таълимни ривожлантириш стратегиялари, таълим тизимининг концептуал хусусиятлари ва модернизациялашнинг асосий йўналишлари, таълим тизими ривожланишининг замонавий ва глобал тенденциялари ҳамда ислохотлари, таълим тизимларининг қиёсий таҳлиллари ва динамикасига йўналтирилган илмий-тадқиқотларни ўрганиш алоҳида эътиборга моликдир. Шу жиҳатдан илғор тажрибаларни алмашиш орқали таълимнинг ташкилий-педагогик жараёнидаги камчиликларни бартараф этиш, янгича ёндашув, технология ва тамойилларни ишлаб чиқиш ва ривожлантириш заруратини изоҳлайди.

Мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот<sup>2</sup> асосида ўзаро тажриба алмашинувнинг янада чуқурлаштирилиши ва кенгайтирилиши натижасида Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги икки томонлама таълимий муносабатларнинг муайян ҳуқуқий асоси яратилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларни амалга оширишда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг самарасини ошириш”<sup>3</sup> каби вазифалар белгиланган. Бу борада Ўзбекистон ва Япония умумтаълим ва профессионал таълим тизимларини модернизация қилишнинг асосий

---

<sup>1</sup> [https://www.un.org/sustainabledevelopment/wp-content/uploads/2019/07/E\\_Infographic\\_04.Ensure inclusive and equitable quality education and promote lifelong learning opportunities for all](https://www.un.org/sustainabledevelopment/wp-content/uploads/2019/07/E_Infographic_04.Ensure_inclusive_and_equitable_quality_education_and_promote_lifelong_learning_opportunities_for_all)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 8 августдаги “Япония билан ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 285-сон қарори. <http://ngm.uz/>.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

тамоийллари таҳлил қилиш, таълим тизимини ривожлантириш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон “Умумий ўрта, ўрта-махсус ва касб-хунарсиз таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон “Профессional таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 394-сон “Меҳнат бозорида талаб юқори бўлган малакали кадрларни касбга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг назарий, илмий ва амалий жиҳатлари А.Х.Абдуллаев, З.Абдуқудусов, З.Э.Азимова, М.С.Алимов, М.Ахмедова, М.А.Бахронов, М.Г.Джураев, У.Иноятов, Р.Б.Сиддиқов, Р.Н.Толипов, И.С.Файзуллаева, А.А.Юлдашев, М.Қуроновиқлар томонидан тадқиқ қилинган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларида профессионал таълимни ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари бўйича П.Ф.Анисимов, С.Я.Батышев, А.Беляева, В.Демин, В.Г.Карманов, Т.Ю.Ломакина, А.Суворова, Г.Ф.Ткачлар тадқиқотлар олиб борганлар.

Ривожланган мамлакатлар таълим тизимлари ва қиёсий таҳлиллари G.I.Kneller, J.W.Hall, R.S.Jones, N.Koyama, Sh.Murata, J.Simonеларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

Тадқиқотда таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг назарий, илмий ва амалий жиҳатлари, муаммолари ва истиқболларига оид илмий изланишлар олиб борилган бўлсада, ривожланган мамлакатлар умумтаълим ва профессионал таълим тизимларининг қиёсий таҳлиллари махсус тадқиқ этилмаган. Бугунги кунда таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришда хорижий давлатлар тажрибаси, шунингдек, ўзаро тажриба алмашиш масалалари зарурати мазкур тадқиқот иши йўналишини белгилашда асос бўлиб хизмат қилди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-1-41. “Касбга йўналтириш, қайта тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш ўқув ишлаб чиқариш тизимида миллий, анъанавий базани ҳамда ушбу йўналишда таълим бериш жараёнининг амалий-услубий асосларини яратиш” (2015–2017 йй.) давлат амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон ва Япония умумтаълим ва профессионал таълим тизимларини қиёсий таҳлил қилиш ҳамда Япониянинг илғор тажрибасидан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

халқаро тажриба доирасида таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари, ривожлантириш стратегиялари ва умумий тенденцияларини аниқлаштириш;

Ўзбекистон ва Япония умумтаълим ва профессионал таълим тизимларини модернизация қилишнинг асосий тамойилларини таҳлил қилиш;

Ўзбекистон умумтаълим ва профессионал таълим тизимларининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш асосида Япония тажрибасидан фойдаланиш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

профессионал таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш вारेитингини аниқлаш усулларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон ва Япония умумтаълим ва профессионал таълими миллий тизимлари белгиланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Ўзбекистон ва Япония умумтаълим ва профессионал таълим тизимларининг ташкилий-ҳуқуқий жихатлари ваташкилий-педагогик талабларидаги ўхшаш ва фарқли хусусиятлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида назарий таққослаш, қиёсий таҳлил, бенчмаркинг (benchmarking), статистик таҳлил, мантиқий таҳлил, педагогик кузатиш, иерархик моделлаштириш, умумлаштириш, суҳбат, интервью, баҳс-мунозара усулларида фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** куйидагилардан иборат:

«кичик мутахассис», «касбий муҳим сифатлар», «таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси», «глобал тенденциялар», «профессионал таълим креатив характери» тушунчалар моҳияти умумназарий, умумтаълим ва умумкасбий тайёргарликни чуқурлаштириш, ўз-ўзини ривожлантириш, ўз мақсадларига эришиш, режалаштириш, тартибга солиш, ижодий мотивацион муносабатларни шакллантириш ёндашувларига устуворлик бериш асосида аниқлаштирилган;

умумтаълим ва профессионал таълим тизимларининг босқичлараро интеграциялаш жараёнлари ташкилий-ҳуқуқий тамойиллар ва ташкилий-педагогик талаблар асосида такомиллаштирилган;

умумтаълим ва профессионал таълим тизимларини ривожлантиришнинг амалдаги тенденциялари педагогик (узлуксизлик, фундаментализация, компетентлик, тизимлилик ва кетма-кетлик) ҳамда мақсадли ойи халаштирилган педагогик ёндашув (фанлараро ва субъектив интеграция, модулли, креативлик, акмеологик) таълим тизимларига устуворлик беришасосида очиб берилган;

профессионал таълим муассасалари рейтингини аниқлаш технологияси иерархик моделлаштириш усулигатаълим сифати даражаси, педагогларнинг салоҳияти, ўқув адабиёт таъминоти, ахборот-коммуникация технологиялари очиқлиги, моддий-техник база, битирувчилар бандлиги каби асосий мезонларни қўллаш асосида такомиллаштирилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

Ўзбекистон ва Япония умумтаълим ва профессионал таълим тизимларининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари, ташкилий-педагогик талаблари, ўхшаш ва фарқли томонлари очиб берилган;

иерархик моделлаштириш усулини кўрсаткичлар самарадорлигини ошириш бўйича қарорлар қабул қилишда профессионал таълим тизими бошқарув жараёнини такомиллаштиришда фойдаланилган;

Япония профессионал таълим тизимининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилишасосида профессионал таълим муассасаларида амалий машғулотлар, амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш усуллари тавсия этилган;

Ўзбекистон умумтаълим ва профессионал таълим тизимларининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш асосида Япония тажрибасидан фойдаланиш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлил ва натижалар иерархик моделлаштириш (MPRIORITY 1.0) усули орқали асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти Ўзбекистон ва Япония умумтаълим ва профессионал таълим тизимларининг концептуал хусусиятлари, таълим тизимларининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари, ташкилий-педагогик талаблари, ўхшаш ва фарқли томонлари, Ўзбекистон ва Япония таълими миллий ўзига хослиги, жаҳонда таълимни ривожлантириш тенденциялари, миллий таълим тизимини жамиятда таълим, фан ва ишлаб чиқариш билан боғлаш, таълим муассасалари рейтингини аниқлашда иерархик моделлаштириш усулида баҳолаш методикаси, шунингдек, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш йўлларининг илмий жиҳатдан асосланганлиги билан белгиланади.



Тадқиқотнинг амалий аҳамияти Ўзбекистонда умумтаълим ва профессионалтаълим тизимларини такомиллаштиришда касб-ҳунар таълими тарихи, қиёсий педагогика, педагогик технология, педагогик маҳорат каби фанлар мазмунини бойитишга хизмат қиладиган аниқ илмий-амалий тавсиялар мавжудлиги ҳамда тадқиқот материалларидан таълиммуассасаларида, ўқитувчилар малакасини ошириш курсларидаги назарий ва амалий машғулотларда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Ушбу тадқиқот материаллари таълим тизимининг қиёсий таҳлили бўйича кейинги илмий-тадқиқотларни олиб бориш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон ва Япония умумтаълим ва профессионалтаълим тизимларининг қиёсий таҳлиliga оид тадқиқотда олинган илмий натижалар асосида:

«кичик мутахассис», «касбий муҳим сифатлар», «таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси», «глобал тенденциялар», «профессионал таълим креатив характери» тушунчалар моҳиятининг умумназарий, умумтаълим ва умумкасбий тайёргарликни чуқурлаштириш, ўз-ўзини ривожлантириш, ўз мақсадларига эришиш, режалаштириш, тартибга солиш, ижодий мотивацион муносабатларни шакллантириш ёндашувлари асосидаги талқини А-1-41. «Касбга йўналтириш, қайта тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш ўқув ишлаб чиқариш тизимида миллий, анъанавий базани ҳамда ушбу йўналишда таълим бериш жараёнининг амалий-услубий асосларини яратиш» (2015–2017 йй.) номли амалий лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 сентябрдаги 89-03-3491-сон маълумотномаси). Мазкур кўрсатмалар профессионал таълим ривожланиш тенденциялари ва таълим мазмунига ўзига хос ёндашувларни такомиллаштиришга, ҳудудий меҳнат бозоридаги ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни ўрганишга хизмат қилган;

умумтаълим ва профессионал таълим тизимларини босқичлараро интеграциялаш жараёнларини ташкилий-ҳуқуқий тамойиллар ва ташкилий-педагогик талаблар асосида такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан Қозоғистон Республикаси ва Буюк Британия билан ҳамкорликдаги “Барқарор Тараққиёт ва Инновациялар бўйича II-Марказий Осиё Илмий Форуми”нинг “Таълимда барқарор тараққиёт ва урбанизация” йўналиши доирасидаги тадқиқот лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Буюк Британияда Қозоғистон PhD ассоциациясининг 2019 йил 4 апрелдаги маълумотномаси). Мазкур лойиҳа 2030 йилгача мўлжалланган Бирлашган миллатлар ташкилотининг “Барқарор Тараққиёт Дастури” мақсад ва вазифалари ижросини таъминлаш, таълим жараёнига янги инвестицияларни жалб этиш, илмий-тадқиқот институтлари ва Марказий Осиё, Буюк Британия олимлари билан институционал алоқалар ўрнатишга хизмат қилган;

педагогик (узлуксизлик, фундаментализация, компетентлик, тизимлилик ва кетма-кетлик) ҳамда мақсадли лойиҳалаштирилган педагогик ёндашув

(фанлараро ва субъектив интеграция, модулли, креативлик, акмеологик) тамойилларига устуворлик бериш асосида очиб берилганумумтаълим ва профессионал таълим тизимларини ривожлантириш тенденциялари“Vocational education systems of Uzbekistan and Japan: a comparative analysis” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 6 ноябрдаги 89-03-4307-сон маълумотномаси). Мазкур ўқув қўлланма талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш самарадорлигини ошириш, ўқитувчи-профессорларнинг касбий малакаси даражасини оширишга хизмат қилган;

профессионал таълим муассасалари рейтингини аниқлашдаиерархик моделлаштириш усулигатаълим сифати даражаси, педагогларнинг салоҳияти, ўқув адабиёт таъминоти, ахборот-коммуникация технологиялар очиклиги, моддий-техник база, битирувчилар бандлиги каби асосий мезонларни қўллашгаоид таклифларданпрофессионал таълим тизими бошқарув жараёнини такомиллаштиришда фойдаланилган (Касб-хунар таълими марказининг 2019 йил 5 августдаги МХ-01/01-1922/М-сон маълумотномаси). Мазкур усулни қўллаш натижасида, профессионал таълим муассасалари рейтингини асосий мезонлар бўйича аниқлаш технологиясини сезиларли даражада осонлаштиришга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида, Остонада ўтказилган“The Second Central Asian Research Forum on Sustainable Development and Innovation(Барқарор Тараққиёт ва Инновациялар бўйича II-Марказий Осиё Илмий Форуми)”да муҳокамадан ўтказилган.Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston 24” каналида2019 йил 8 июнда соат 17.10 дан 18.00 га қадар эфирга узатилган “Тўғридан-тўғри” мулоқотида оммалаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, шу жумладан, 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола (4 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.**Диссертация иши кириш, 3 та боб, 7 та параграф, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 124 бетни ташкил қилади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянингкиришқисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти

асослаб берилган, натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнингъэлон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон ва Япония умумтаълим ва профессионалтаълим тизимларининг назарий ва ҳуқуқий асослари”** деб номланган биринчи бобида Ўзбекистон ва Япония умумтаълим ва профессионалтаълими, унинг ривожланиш тарихи ва босқичлари тавсифланган, тадқиқот муаммоси юзасидан мамлакатимиздаги ва хорижий илмий адабиётлар илмий-педагогик нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Шунингдек, диссертациянинг мазкур бобида Ўзбекистон ва Япония таълим тизимлари ҳуқуқий асосларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ташкил этилиши амалдаги ҳолати баён этилган.

Японияда XIX-XX аср охирида таълим тизимидаги бешта муҳим ислоҳотлар бўлиб ўтди. 2002 йилда таълим соҳасида янги ислоҳотлар амалга оширилди. Ушбу ислоҳотлар ўқувчиларнинг шахсий фаолиятига, таълимнинг узлуксизлиги ва интеграциялашувига ўз ҳиссасини қўшди. Таълимда тенг имконият - Япониядаги таълим фалсафасининг замонавий тамойиллардан биридир. Таълимнинг мақсади этиб битирувчиларга ижтимоий мослашув муаммолари билан шахсий курашиш имконини берадиган самарали шароитларни ишлаб чиқишдан иборат, деб белгиланди.

Ўзбекистон ва Япониятаълим тизимида оид амалдаги қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилинганда, ҳуқуқий жиҳатдан қонунчилик базаси бой, деган хулосага келинди. Ҳар икки мамлакатда ҳам давлат даражасида ўхшаш қонунчилик базаси бор эканлиги аниқланди.

Биринчидан, таълимнинг устуворлиги, таълим олувчи ва таълим берувчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайдиган давлат ёки марказий миқёсдаги қонунлар.

Иккинчидан, таълимнинг истиқболдаги ривожланиши, стратегияси ва устуворликларини кўрсатадиган таълим дастурлари ҳужжатлари.

Диссертациянинг **“Жаҳонда умумтаълим ва профессионал таълим тизимининг ривожланиш тенденциялари”** деб номланган иккинчи бобида кейинги йилларда жаҳон ҳамжамиятида таълимни ривожлантириш борасидаги улкан ютуқлар баён этилган. Профессional таълим тизимининг ривожланиши қуйидаги тенденцияларга ажратилган ҳолда таҳлил қилинган:

- таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси;
- профессионал таълим тизимини лойиҳалаштиришга қаратилган ёндашув;
- профессионал таълим креатив характерининг ривожланиши;
- таълим хизматлари бозорининг меҳнат бозори билан ўзаро таъсири;
- профессионал таълим сифатини ошириш.

Ушбу бобда таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг асосий тамойиллари педагогик ҳамда мақсадли лойиҳалаштирилган педагогик ёндашув тамойилларига устуворлик бериш асосида умумтаълим ва профессионал таълим тизимларини ривожлантиришнинг тенденциялари очиқ

берилдиҳамда профессионал таълимнинг креатив характерини таъминлайдиган қуйидаги тамойиллар ишлаб чиқилди:

илмий аҳамиятга эга бўлган тамойил, яъни фан, таълим ва илмий тадқиқотлар ўртасидаги муносабатлар;

фундаментализация тамойили, яъни умумназарий, умумтаълим ва умумкасбий тайёргарликни чуқурлаштириш;

тизимлилик ва кетма-кетлик тамойили, яъни талабаларнинг билим, қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда таркибий-мантиқий муносабатларнинг акс этиши;

субъектив интеграция тамойиллари, яъни ўқувчиларнинг фаол ривожланиши, уларнинг ўз мақсадларига эришиш, режалаштириш, тартибга солиш, ижодий мотивацион муносабатларни шакллантиришда иштирок этиш имконини беради;

ҳиссий ижодкорликни ривожлантириш тамойили, яъни ўз-ўзини англашнинг юқори даражаси.

Шунингбек, ушбу бобда Жанубий Корея таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари тавсифланган ҳамда Япония умумтаълим ва профессионалтаълим тизимларини модернизация қилишнинг асосий йўналишлари таҳлил этилган.

Сўнги ўн йилликда амалда бўлган Япония таълим тизимига қуйидаги тенденциялар хосдир:

– ҳар бир шахснинг фаол ҳаёти мобайнида узлуксиз таълим тизимини яратиш;

– болалар ва ўсмирларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш имкониятларини максимал даражада ошириш учун мактаб таълимида ўқитишнинг мазмуни ва усулларини ўзгартириш;

– мактабларда таълим ва тарбия тизимини, мазмуни ва усулларини компьютерлаштириш, юқори даражада ахборотлаштириш, шунингдек, замонавий ҳаётни халқаролаштириш каби янги жараёнларга мувофиқлаштириш;

– умумтаълим ва профессионал таълим тизимига молиявий, моддий ва интеллектуал инвестициялар киритилишини кенгайтириш;

– профессионал таълим билан шуғулланадиган мутахассисларни тайёрлаш йўналишини тубдан мустаҳкамлаш ва кенгайтириш;

– инновацион таълимга ўтиш ҳамда таълим мазмунининг янада мувозанатга эришиши;

– олий таълим муассасалари бошқарувини номарказлаштириш ва уларнинг мустақиллигини кенгайтириш;

– янги ахборот технологиялари асосида ноанъанавий олий таълим муассасаларини ташкил этиш (техник, технологик университетлар, қисқа муддатли таълим бўйича олий таълим муассасалари).

Япон профессионал таълимининг ўзига хос хусусиятларидан етакчи профессионал таълим муассасалари, иш берувчилар ва ташкилотлар ўзаро

хамкорлигининг юқори даражада эканлигидир. Кўпгина корпорация ва компанияларнинг ўз коллежлари мавжуд бўлиб, улар таълим муассасаларига талаб берадилар, профессионал таълим муассасалари эса ана шу талабга асосан сифатли даражада аниқ йўналишдаги кичик мутахассислар тайёрлайдилар ва шу орқали улар янги ишчиларни ўзларига жалб этадилар.

Назарий тадқиқотлар устида иш олиб борадиган таълим муассасаларидан фарқли равишда касб-хунар коллежларининг мақсади- талабаларга фойдали амалий таълим беришдир. Саноатнинг эҳтиёжларига жавобан, улар кенг қамровли машғулотларни олиб борадилар. Инсон тараққиёти омили касб-хунар коллежларига боғлиқ бўлган жуда кўп соҳалар мавжуд. Ўқув дастурларининг таркибий қисмлари экспериментлар ва амалий машғулотларга қаратилган.

Япония мамлакати “малакаларга (qualifications)” асосланади ва кўплаб касбий малакалар берадиган тизим мавжуд. Касб-хунар коллежлари битирувчилари ушбу талабларга жавоб бериш ёки имтиҳонларни топшириш орқали ўзларининг асосий мақсадларидан бири сифатида иш ўринлари эгаллашга ҳаракат қиладилар. Меҳнат вазирлиги уларни қўллаб-қувватлашда трансформацион марказлар орқали маҳоратларни текшириш тизимини олиб боради.

Японияда ҳамда ижтимоий-иқтисодий тараққий этишда, жаҳон бозори ва экспорт экспанциясига жадал кириб боришда оламшумул муваффақиятларга эришгани учун Осиё йўлбарслари деб ном олган яна тўртта мамлакатда (Жанубий Корея, Тайвань, Сингапур, Гонконгда) инсон салоҳияти, аввало, таълимни имкон қадар ривожлантиришга азалдан алоҳида эътибор қаратиб келинган. Бунинг сабаби шундаки, ушбу мамлакатларда фойдали қазилмалар худудлар йўқ, уларнинг энг асосий бойлиги – бу инсон. Айнан инсон ақлий қобилияти ва инновацион интилиши билан (афсонавий нефть ёки олтин захиралари эмас) ушбу мамлакатларни қашшоқ ва техник жихатдан қолақлар қаторидан олиб чиқди. Мутахассислар япон таълим тизимининг натижаси сифатида мамлакатда юқори малакали кадрлар тайёрланаётганлиги ва фан-техника ютуқларининг шиддат билан амалиётга татбиқ этилаётганлигини изоҳлайдилар. Таълим соҳасидаги улкан натижаларга ва унга боғлиқ илмий-техникавий тараққиётга эришиш, миллий ғояларни излашда маънавий етуклик, етакчилик, ватанпарварлик каби юқори даражадаги вазифалар муҳим аҳамият касб этди.

Бугунги кунда Япониядаги эришилаётган юқори кўрсаткичлар сабабини куйидаги хусусиятларда кўришимиз мумкин:

– бошланғич таълимнинг катта аҳамиятга эга эканлиги хусусияти (аксарият давлатларда, жумладан, Япония ва Жанубий Кореяда бошланғич мактабда таълим олиш 4 йил эмас, балки 6 йил давом этади);

– коллеж ва университетлар билан бир қаторда кичик мутахассисларни тайёрлайдиган техника коллежлари, коллеж мақомига эга бошқа ўқув юртлари, очик ва сиртки университетлар ҳам мавжудлиги хусусияти;

– япон таълим тизимида хусусий сектор ҳажмининг ортиши, ушбу хусусият бошқа соҳалардаги каби рақобат муҳитининг ривожланганлигини таъминлайди;

– халқаро хусусиятларнинг мавжудлиги, барча таълим муассасаларида имтиҳон ва тест синовлари инглиз тилида япон тили билан бир хил даражада амалга оширилиши ва таракқий этган Европа давлатлари тажрибалари тил орқали янада тезроқ ўзлаштирилаётганлигидир;

– илмий-тадқиқот ташкилотлари бевосита таълим тизимларида фаолият олиб бориб, таълим муассасалари фаолияти натижаларига уларнинг масъуллиги ва тўғридан-тўғри жавобгарлиги билан илмий янгиликлар амалиётга тезкор татбиқ этилаётганлиги;

– ўқув дастурларининг ҳар йили янгиланиши ва такомиллаштирилиши хусусияти, фан йўналишларидаги замонавий янгиликлар, ўзгаришларнинг ўқув дастурларида акс эттирилиши таълим мазмунининг йилдан-йилга мазмун моҳияти жихатидан такомиллашиб бораётганлигини кўрсатади;

– таълим тизими босқичлари жараёнларидаги назоратимтиҳонлари талабларининг юқорилиги ва кескин чоралар кўрилиши хусусиятлари ўқувчиларда масъулият ҳиссининг оширилишига сабаб бўлади.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон ва Япония умумтаълим ва профессионалтаълимтизимларининг қиёсий таҳлили”** деб номланган учинчи бобида қиёсий таққослаш усули асосида Ўзбекистон ва Япония умумтаълим ва профессионалтаълимтизимларини ривожлантириш ва модернизация қилишнинг умумий тенденциялари ва ўзига хос хусусиятлари аниқланган.

Узлуксиз таълим тизимининг энг муҳим жихатларидан бири - унинг барча босқичлари ўртасидаги фанлараро узвийлик ва узлуксизликни таъминлашдан иборатдир. Таълимда интеграция, узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш масаласи бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

Ҳозирги босқичда Ўзбекистонда мавжуд касб-ҳунар таълими модели етарли даражада самарали ишламаётганлигини қайд этиш керак. Бугунги кундаги профессионал таълими тизимидаги асосий муаммо таълим сифатининг пастлиги бўлиб, бу эса меҳнат бозорига қирадиган касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчилари билим ва кўникмаларинининг пасайишига олиб келади. Касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларининг рақобатбардошлигини таъминлаш вазифаси бажарилмаётганлиги сабабли профессионал таълим битирувчилари бошқа мутахассислар тоифасига қараганда иш билан таъминланиш имкониятларини камроқ эгалламоқда.

Халқ таълими тизимида хорижий тиллар ва ахборот-коммуникация технологияларини ўқитиш жараёни методик ёрдамга муҳтож, инклюзив таълим дастурлари етарли даражада ривожланмаган, мамлакатимиз олий таълим муассасалари дастурларида ўқитувчиларнинг инклюзив таълим бўйича махсус тайёргарлигини таъминлаш лозим.Шунингдек,

фойдаланилаётган дарсликлар сифатини ошириш, хорижий ўқув кўлланмаларини кўшимча ёки муқобил ўқув материаллари сифатида қўллаш амалиётини йўлга қўйиш талаб этилмоқда.

Ўзбекистонда ёшларнинг олий таълим тизимига қамраб олиш даражаси 20 фоиз кўрсаткичнинг ташкил этади. Лекин дунёдаги ривожланган давлатлар тажрибасига қарайдиган бўлсак, бу кўрсаткич уларда 60–70 фоизни ташкил этади.

Жиддий муаммолардан бири - таълим тизимининг иқтисодиёт эҳтиёжлари билан мос келмаслигидир. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, Ўзбекистон компанияларининг 35 фоизи юқори малакали мутахассисларни топишда қийинчиликларга дуч келмоқда. Саноат корхоналарида дефицит деярли 50 фоизга етади. Иш берувчилар томонидан кўрсатилган қийинчиликларнинг асосий сабаби меҳнат бозоридаги мутахассислар етишмаслигидир.

Тадқиқотда ўзбек ва япон таълим тизимларининг умумий хусусиятлари ва фарқлари 1-жадвалдаги мезонларга мувофиқ кўриб чиқилди:

1-жадвал

**Ўзбекистон ва Япония умумтаълим ва профессионалтаълим тизимларининг қиёсий таҳлили<sup>1</sup>**

<b>Ўзбекистон</b>	<b>Япония</b>
<b>1. Ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари.</b>	
<b>Умумий жиҳатлари (норматив асослар тузилиши бўйича)</b>	
Ўзбекистон ва Японияда узлуксиз таълим тизимини тартибга соладиган бир хил тузилишга эга давлат даражасидаги қонуний ва меъёрий актлар мавжуд (қонунлар, таълим тўғрисидаги дастурий ҳужжатлар, касбий таълим бўйича махсус норматив актлар);	
Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисидаги” Қонуни (1997 й.), Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати” тўғрисидаги Қонуни (2016 й.)	“Таълим тўғрисидаги асосий қонун” (1947 й.), “Профессионал таълимга кўмаклашиш тўғрисидаги қонун” (1951 й.), “Ижтимоий таълим тўғрисидаги қонун”, “Узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш тўғрисидаги қонун” (1990 й.), “Мактаб таълими тўғрисидаги қонунга қисман ўзгартириш киритиш тўғрисидаги қонун” (2004)
Ўзбекистон Республикасида “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” (1997 й.), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони (2017 й.), “Умумий ўрта, ўрта-махсус ва касб-хунаар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5313-сон Фармони (2018 й.), “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир кўшимча	“Университетларни ташкил этишнинг миллий стандартлари” (1991 й.), “Профессионал таълимни ривожлантириш бўйича тавсиялар” (2011 й.) ва ҳоказолар.

<sup>1</sup>Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сон Фармони (2019), “Ўзбекистон Республикасининг халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони (2019).	
<b>2. Ташкилий-педагогик талаблар.</b>	
<b>Умумий жиҳатлари:</b>	
<i>мутахассислар тайёрлашдаги мақсад ва вазифалар:</i> ҳар иккала мамлакатда ҳам таълим тизимининг мақсади мамлакатнинг sanoati, иқтисодий ривожланиш стратегияси доирасида иқтисодийни модернизация қилишда муҳим омил бўлиши керак бўлган ёш малакали мутахассисларни тайёрлашдир;	
<i>профессионал таълимнинг ривожланиши бўйича:</i> ўзбек ва япон профессионал таълим тизимлари ҳозирги замонавий ҳолатга келгунга қадар мураккаб ва қийин йўлни босиб ўтди;	
ҳар иккала мамлакатда ҳам профессионал таълим, sanoat, фан ва ишлаб чиқариш учун ягона ўқув маконини шакллантириш, малакали ишчилар ва юқори малакали мутахассислар етишмовлигини бартараф этишга қаратилган интеграцион жараёнлар жадал суръатларда ривожланмоқда;	
Ўзбекистон ва Японияда профессионал таълим тизимини модернизация қилишдан аввал меҳнат бозорининг талаблари асосида кадрлар тайёрлашнинг умумий стратегик мақсадлари белгиланади;	
<i>умумий ўрта таълим муассасаларининг юқори синф ўқувчиларига касбий таълим бериш бўйича:</i> икки мамлакатда касбий таълим беришнинг асосий мақсади - юқори синф ўқувчиларига махсус ва чуқурлаштирилган тайёргарликни талаб этмайдиган касбга тайёрлаш ва касб-хунар ўргатиш, мустақил фикрлайдиган, ташкилотчилик қобилиятига ҳамда тадбиркорлик фаолияти бўйича кенг тушунчаларга эга бўлган, амалий касбий тажриба, кўникмалари ривожланган шахсни тарбиялаш, уларга келгуси таълим босқичини (турини) ёки касб-хунар танлашга кўмаклашишдир.	
<b>Умумий ўрта таълим муассасаларининг юқори синф ўқувчиларига касбий таълим бериш бўйича:</b>	
Ўзбекистонда умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11 синф ўқувчиларига таълим бериш билан биргаликда касб-хунар ўргатиш, ўқувчиларнинг қизиқишлари ва қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда келажакда уларнинг таълимни давом эттиришлари ёки эгаллаган касблари бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланишларига шарт-шароитлар яратиш мақсадида 2017 йил 24 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Касбий таълим беришга ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори тасдиқланди.	Японияда эса юқори синф ўқувчиларига касбий таълим бериш имкониятлари, ўқувчиларнинг қизиқишлари ва қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда келажакда уларнинг таълимни давом эттиришлари ёки эгаллаган касблари бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланишларига шарт-шароитлар “Касбий таълимни ривожлантириш бўйича тавсиялар” (2011 й.) да ўз аксини топган.
Ўзбекистонда профессионал таълим бериш узлуксиз таълим тизимининг таркибий қисми бўлиб, юқори синф ўқувчиларининг касб-хунар ўрганишга бўлган эҳтиёжини қондириш, касбий билим ва кўникмаларини шакллантириш, республика иқтисодий тармоқлари учун зарур мутахассисларни тайёрлашдан иборат.	Японияда ўрта синф sanoat ходимларини тайёрлаш учун ушбу даражадаги касбий таълим ўқувчиларини тегишли касбларга бевосита боғлиқ бўлган асосий билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, шунингдек, уларнинг касбий тайёргарлик ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга мўлжалланган.
Ўзбекистонда ўқув мажмуада тасдиқланган таянч ўқув режасига асосан ўқувчиларга икки ўқув йили давомида жами 408 соат касбий таълим берилади, ҳар бир ўқув йили якунида ўқувчилар учун 36 соатдан иборат ишлаб	Японияда юқори босқич ўқувчилари ихтисослаштирилган ва касбий таълим йўналишлари бўйича касбий ва махсус фанлардан 30 ёки ундан кўп кредит олишлари керак. Битта кредит 35 соатни ташкил этади, бир соат машғулот 50 дақиқа давом этади.



чиқариш амалиёти ўтказилади.	Японлар масъулияти ва жиддийлиги билан бошқа халқлардан ажралиб туради ва бу ёшда ўзларини қандай касб эгаси бўлмоқчи эканликларига йўналтира бошлайдилар.
<b>Фарқли жихатлари:</b>	
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим ва мактабдан ташқари таълим, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг ривожини учун жавобгар ҳисобланади.	Японияда таълим тизимини бошқариш таълим, маданият, спорт, фан ва технология вазирлиги (МЕХТ) томонидан амалга оширилади.
Ўзбекистонда бугунги кунда профессионал таълим умумий ўрта таълим негизда амалга оширилади.	Японияда эса тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган ўрта таълим негизда амалга оширилади.
Ўзбекистонда касб-хунар таълими тизими академик лицей ва касб-хунар коллежлардан ташкил топган.	Японияда эса кичик коллежлар, технологик коллежлар, махсус ва касб-хунар коллежлари мавжуд.
Ўзбекистонда касб-хунар таълими тизимида олти йўналишлар асосида таълим берилади: <i>гуманитар соҳалар, ижтимоий соҳа, иқтисодий ва ҳуқуқ, ишлаб чиқариш ва техникавий соҳалар, қишлоқ ва сув хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, хизмат кўрсатиш соҳаси.</i>	Японияда эса касб-хунар таълими қуйидаги саккизта йўналишларда олиб борилади: <i>технология, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, шахсий гигиена ва озуқа, таълим ва ижтимоий таъминот, бизнес, мода ва оила таълими, маданият ва умумий таълим.</i>
Ўзбекистонда касб-хунар коллежлари умумтаълим фанлар учун жами 4470 ўқув соатларининг 2010 аудитория соати, 520 соат умумкасбий фанлар, 600 соат махсус фанлар ва 540 соат ўқув амалиётларига ажратиб ўқитиладиган ўқув режа асосида фаолият олиб боради. Қолган соатлар эса давлат аттестациясига ва коллеж ихтиёридаги соатларга ажратилади.	Япон кичик коллежлари дипломига эга бўлиш учун 62 кредит талаб этилади. Уларнинг битирувчилари олий таълимнинг иккинчи ёки учинчи босқичида ўқишни давом эттириш имкониятларига эга бўладилар. 1700 соатдан ортиқ дарсларга қатнашган талабалар касб-хунар коллежлари дипломига эга бўладилар. Коллежда икки йиллик таълимдан сўнг битирувчи олий таълимга кириш имкониятига ҳам эга бўлади.

Ушбу тадқиқотнинг негизда Ўзбекистонда ўрта муддатда умумтаълим ва профессионал таълим тизимларини такомиллаштириш бўйича амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот доирасида Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари касб-хунар таълими муассасаларидан танланма асосида танлаб олинган КХКларни қамраб олган ҳолда иерархиялар таҳлили усулида профессионал таълим муассасалари рейтинги аниқланди. Ушбу усул америкалик математик Т.Саати (Saaty Thomas) томонидан 1920 йилда тақлиф этилган. Иерархиялар таҳлили усули (ИТУ) — мураккаб масала юзасидан қарор қабул қилишда қўлланиладиган тизимли таҳлилга асосланган математик инструмент ҳисобланади.


Профессионал таълим муассасалари рейтингини аниқлаш ва таълим сифатини иерархик моделлаштириш усулида баҳолашда биз ривожланган давлатлар АҚШ, Жанубий Корея ва Япониянинг бу борадаги тажрибаларига асосландик.

Иерархик модел қуйидагича ифодаланди (1- расмга қаранг): энг юқори даражада глобал мақсад (иерархиянинг марказида), сўнгра мезонлар ва энг

қуйида муқобиллар. Баҳолаш мезонларининг иерархиясини шакллантиргандан сўнг мезонларнинг устуворлиги белгиланди ва уларга мувофиқ муқобиллар чизиқли конволюция усули билан баҳоланди. Натижада, иерархиядаги барча мезонлар учун ўрганилаётган муқобилларнинг нисбий аҳамияти аниқланди.

Иерархияни таҳлил қилиш усули қуйидаги тартибда амалга оширилди:

- 1) селекция масаласини иерархия ёки тармоқ шаклида тузиш;
- 2) мезонларнинг устуворлигини аниқлаш ва ҳар бир вариантни мезонларга мувофиқ тарзда баҳолаш;
